



# ЕТБ ЙИГИЛИШИ – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ЮКСАК ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши ўтказилмоқда.



2023 EBRD Annual Meeting

Investing in Resilience

Samarkand, Uzbekistan 16-18 May



2023 YTTBning Yillik Anjumani

Barqarorlik uchun sarmoya kiritish

Samarqand, O'zbekiston 16-18-may

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни мазкур нуфузли форумда иштирок этди.

Саммит ишида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Европа Комиссияси вице-президенти Валдис Домбровскис, ЕТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси Магнус Бруннер, хорижий ҳуқуматлар, етакчи транснационал корпорациялар ва саноат ходдонлари, халқаро молия институтлари ва банкларнинг раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатидан

иқтисодиёт, инвестициялар, молия ва инновациялар соҳасида экспертлари ва таҳлилчилари, фуқаролик жамияти фаоллари ва журналистлар — 2,5 мингдан зиёд иштирокчи қатнашмоқда. Давлатимиз раҳбари йиғилишнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлади.

— Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги йиғилиши қадимий ва бетакрор Самарқандда ўтказилаётганини биз мамлакатимизга, ислоҳотларимизга юксак ишонч ва эътибор ифодаси сифатида қабул қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

ЕТБнинг бундай йиғилиши мамлакатимизда 20 йил олдин бўлиб ўтган эди. Ундан бери Ўзбекистон анча ўзгаргани, иқтисодиёт эркинлаштирилгани, барча соҳаларда кенг кўламли янгиланишлар бошлангани ва изчил амалга оширилаётганини қайд этилди.

Ушбу ислоҳотлар дастурини амалга оширишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан бири. Унинг мамлакатимиздаги лойиҳалар портфели 4 миллиард евродан ошган. Шундан 3,3 миллиард евролик лойиҳалар сўнгги тўрт йилда бошланган.

Ўтган йил якуни билан Ўзбекистон банкининг бешта энг асосий ҳамкорлари қаторига кирган. Йиллик инвестиция ҳажми бўйича эса унинг Марказий Осиёдаги энг йирик бизнес шеригидир. Давлатимиз раҳбари халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Хусусийлаштириш ва хусусий сектор учун кенг шароитлар яратиш, инфратузилма, тиббиёт, таълим, транспорт, экология каби давлат ихтиёридаги соҳаларда давлат-хусусий

шериклик лойиҳаларини кенгайтириш, “яшил иқтисодиёт”, айниқса, “яшил энергия” соҳаларини жадал ривожлантириш, аёллар тadbirkorлигини янада қўллаб-қувватлаш, янги агротехнологияларни жорий этиш, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари банк билан ҳамкорликда бу соҳаларда янги лойиҳа ва дастурлар амалга оширилишини маълум қилди. Шунингдек, банкини қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликдаги минтақавий лойиҳаларда иштирок этишга таклиф этди.

— Бугунги халқаро анжуман Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиш учун тарихий имконият яратмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таъкидлаш лозимки, ЕТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлиси глобал иқтисодиёт истиқболларини кенг муҳокама ва чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор тараққиётини таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим платформадир.

Иқтисодиёт барқарорлигига сармоя киритиш, халқаро савдонинг рабатлантириш, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш, молиявий инфратузилмани модернизация қилиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, “яшил иқтисодиёт” дастурини илгари суриш масалалари форумнинг марказий мавзуси бўлди.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистон инвестиция тақдими ўтказилиб, бизнес соҳасида қандай қатта имкониятлар борлиги кўрсатиб берилди.

2022 йил давомида ЕТБ Ўзбекистондаги 26 лойиҳага, қарийб 900 миллион доллар миқдорда сармоя киритди. Бу мамлакатимизнинг ўсиб бораётган инвестициявий жозибадорлиги, юртимизда яратилган қўлай меъёрий-ҳуқуқий муҳитнинг эътирофидир. Банк айти пайтда бир қатор йирик, жумладан, минтақада қайта

тикланадиган энергетика соҳасига йўналтирилган энг йирик лойиҳаларни молиялаштиришмоқда. Ўтган йил охирида ЕТБ кўмағида Ўзбекистонда ўтказилган Хорижий инвесторлар Кенгашининг биринчи ялпи мажлиси хорижий инвесторлар ва ислоҳотларни илгари сураётган расмийлар ўртасидаги мулоқот учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

35,6 миллион аҳолига эга, Марказий Осиёнинг қоқ марказида, Европа ва Осиё чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон жадал ривожланаётган бозор сифатида минтақада ўта муҳим стратегик аҳамият касб этишини бугун бутун дунё тан олмоқда. Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик намоен этаётган мамлакатимиз табиий газ, олтин, уран, кумуш, мис каби моддаларнинг бой захираси, шунингдек, азалий анъаналари, йирик ишлаб чиқариш учун улкан салоҳияти, ёш, малакали ишчи кучи туфайли минтақага сармоя киритиш учун муҳим ўлга айланмоқда.

Анжуман сессияларида соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма, транспорт, энергетика соҳаларида 40 дан ортиқ йирик хусусий шериклик лойиҳалари тақдимот қилинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандга ташрифи чоғида Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари айти пайтда янгидан бунёд этилаётган Имом Бухорий мажмуасида қурилиш ишларининг боришини кўздан кечириб, Буюк муҳаддис мақбараси зиёрат қилиниб, Қуръон оятлари тиловат этилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Самарқанд саммити 18 май куни якунланади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,  
Ғ.ҲАСАНОВ,  
Ў.А. МУХБИРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING EVROPA TIKLANISH VA TARAQIYOT BANKI BOshQARUVCHILAR KENGAshI YIGILISHIDAgi NUTqI

Хурматли Рено-Бассо хоним!  
Хурматли Бруннер жаноблари!  
Хорижий ҳуқуматлар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!  
Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги йиғилиши қадимий ва бетакрор Самарқандда ўтказилаётганини биз мамлакатимизга, ислоҳотларимизга юксак ишонч ва эътибор ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!  
Бугунги анжумани ўтказиш учун айнан Самарқанд шаҳри танлангани чуқур рамзий маънога эга, деб ўйлайман. Азал-азалдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу азиям Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни ўзаро боғлайдиган, Европа, Осиё ва Африка

қитъалари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-технологик алмашувлар макони бўлиб хизмат қилган.

Бу заминда турли цивилизациялар ўртасида юксак мулоқот маданияти шакллангани билан биз доимо фахрланиб келамиз.

Дунёнинг барча минтақаларидан 2500 дан ортиқ меҳмонлар иштирок этаётган бугунги анжуман ана шу эзгу анъаналарни янги босқичда давом эттириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик кўпригини мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Тобора кучайиб бораётган ҳозирги геосиёсий зиддиятлар даврида бундай очиқ ва яқин мулоқотлар, дўстона aloqаларни янада кенгайтириш барча мамлакатлар учун албатта ниҳоят зарур. Шу маънода, бугунги нуфузли анжуманинг асосий мавзуси “Барқарорлик учун

инвестиция”, деб белгилангани катта аҳамиятга эгадир.

Барчангиз кўриб турибсиз, глобал иқтисодий муаммолар тобора авж олмоқда. Иқлим ўзгариши ва экологик хатарлар кучаймоқда, табиий ресурслар эса камайиб бормоқда. Бундай мураккаб вазиятда бугунги ва келгуси авлодлар муносиб ҳаёт кеңириши учун янги технология ва лойиҳаларга кўпроқ инвестициялар киритиш талаб этилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу муҳим анжуман давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли aloqаларни янги босқичга олиб чиқади, иқтисодиётларимиз ривож учун сармояларни янада кўлайтиради, барча аъзо мамлакатлар тараққиётга бекиёс ҳисса қўшади.

Азиз дўстлар!  
Ўзбекистонда Европа тикланиш ва тараққиёт

банкнинг бундай форматдаги йиғилиши ропа-роса 20 йил олдин бўлиб ўтган эди. Бугунги анжуманда янги меҳмонлар билан бирга, аввалги йиғилишда қатнашган иштирокчиларни ҳам кўриб турибман.

Шу ўринда бир фикрни aloqида таъкидлаб айтмоқчиман: бугунги Ўзбекистон — кечгаги Ўзбекистон эмас.

Олти йил муқаддам бошлаган қатъий ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бугун сиз, азизларни мутлақо янги муҳитда — дунёга кенг очилаётган, барча соҳаларда ҳамкорлик учун тайёр бўлган Янги Ўзбекистонда қабул қилаётганимиздан гоят мамнунимиз.

Сўнгги йилларда юртимизда инсон қадрини улуглаш, аҳоли маърафатларини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон

бозорларига дадил кириб бориш бўйича салмоқли ютуқларга эришдик, деб айта оламиз. Жумладан, инсон ҳуқуқларини амалда энг олий қадрият даражасида таъминлаш мақсадида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Сўз ва эътиқод эркинлиги, гендер тенгликни таъминлаш бўйича эришган амалий натижаларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда илк бор камбағаллик мавжудлигини тан олдик ва уни қисқартириш учун самарали тизим яратдик. Бу тизим билан давлат кўмағига муҳтож оилалар тўлиқ қамраб олинди.

► Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН PREZIDENTI QOZOG'ISTON PREZIDENTINI YUBILEY BILAN TABRIKLAADI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентининг 70 ёшлик юбилеи билан самимий равишда, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош Қозоғистон халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси aloqида қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳуқуматларо комиссиянинг май ойи бошида Тошкент шаҳрида ўтган йилининг сермахсул натижалари юқори баҳоланди.

Қўшма ташки савдо компаниясини ишга тушириш ва Саноат кооперацияси халқаро марказини ташкил этиш юзасидан кўрилган амалий чоралар қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ў.А.

## HALqARO TASHKILOTLAR BILAN HAMKORLIKNIg ISTIqBOLLARI BELGILANDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Самарқанд шаҳридаги йиллик йиғилишида иштирок этаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Еврокомиссия Раиси ўринбосари Валдис Домбровскис бошчилигидаги Европа Иттифоқи делегацияси ҳамда Франция тараққиёт агентлиги бош ижрочи директори Реми Риу билан учрашувлар ўтказди.

Одиль Рено-Бассо билан учрашувда Президентимиз банк раҳбарияти ва жамоасини Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши 71 та мамлакатдан 2,5 минг нафардан зиёд делегат иштирокида Ўзбекистонда муваффақиятли ўтказилаётгани билан самимий табриклади.

Ушбу тadbир глобал иқтисодиёт истиқболларини кенг муҳокама ва чуқур таҳлил қилиш, уни барқарор

ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим майдон бўлишига ишонч билдирилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги самарали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани aloqида мамнуний билан қайд этилди.

2017 йилдан буён банк мамлакатимизга 3,3 миллиард евро инвестиция киритди, лойиҳалар портфелининг

55 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда. Ўзбекистон ЕТБнинг минтақадаги етакчи ҳамкори ҳисобланади ва амалиётлар ҳажми бўйича биринчи бешликка киради.

Банкнинг кўмағи ва фаол иштироки билан Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди.

► Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН PREZIDENTI SIANGA KELDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасига келди.

Кўхна Сиан шаҳрининг халқаро аэропортида икки давлат байроқлари кўтарилди, олий мартабали меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортиди, миллий қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчисини ХХР маданият ва туризм вазири Ху Хэпин, Шэньси музофоти губернатори Чжао Ган ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари 18 май куни ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музоқара ўтказди.

19 май куни Ўзбекистон Президенти “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида иштирок этди.

Ў.А.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING EVROPA TIKLANISH VA TARAQIYOT BANKI BOSQARUVCHILAR KENGASHI YIGILIШИДАГИ NUTQI

Бошлангичи 1-бетда

Шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллиги ва одил судлов институти мустаҳкамлаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш борасидаги ислохотларни қатъий давом эттирялмиш.

Аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган тизим — маъмурий судлар ташкил этилди. Жамиятда коррупцияга мурасасиз бўлиш муҳитини шакллантириш энг устувор вазифаларимиздан бирига айланди.

Хорижий инвестор ва ҳамкорларимиз узоқ кутган энгиллик ва имкониятлар иқтисодий ислохотларимизда ўз аксини топмоқда.

Валюта тизими эркинлаштирилгани, ташқи бозорларга чиқиш бўйича тўсиқлар олиб ташлангани, 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилингани натижасида ташқи савдо айланмаси икки карра ошди.

Шу билан бирга, солиқ юки қарийб 2 баробар қамайгани, солиқ маъмуричилиги соддалашгани, Ўзбекистонда минтақамизда энг жозибдор фискал тизим шаклланиши халқаро ташкилотлар томонидан эътибор этилмоқда.

Ислохотларимизга ишонч ортгани туфайли иллик хорижий сармоялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўпайди.

Умуман, мамлакатимизда қулай бизнес муҳити яратилгани натижасида тадбиркорлар сони 4 баробар ошди.

Энг муҳими — сиёсий ва иқтисодий ислохотларимизни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватламоқда. Яқинда умумхалқ референдумида қабул қилинган янгилашган Конституциямизда ислохотларнинг ортага қайтмаслиги ва бардавом бўлиши қатъий кафолатланди.

Бир сўз билан айтганда, биз ўзимиз танлаган, узоқ муддатга мулклагиланган очкилик ва барқарор тараққиёт йўлидан оғишмасдан, янада дадил олдинга борамиз.

Биринчи. Мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторларга янада қулай шароитлар яратишни яхлит тизим асосида амалга оширамиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгаши чет эллик сармоядорлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиб, ўзаро манфаатли лойиҳалар ва узоқ муддатли стратегияларни биргаликда ишлаб чиқишда ҳал қилувчи бўгин бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга ташкил этилган ушбу мулоқот платформаси биз учун янги тажрибалар орттиришга хизмат қилади ва қўшимча имкониятлар яратади, ислохотлар жараёнида замонавий ёндашувларни жорий этишга кўмаклашади.

Инвесторлар қаерда бўлмасин, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида ташкил этилган "ягона дарча" орқали — 14 та худуд, 208 та туман ва шаҳарда ҳамда Ўзбекистоннинг хориждаги барча дипломатик ваколатхоналарида уларга зарур кўмак ва хизматлар кўрсатилади.

Шунингдек, йил якунигача халқаро экспертлар билан ҳамкорликда тарихимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилади.

Иккинчи. Биз товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорларини янада эркинлаштириш сиёсатини жадал давом эттирялмиш. Жумладан, дунёдаги ишлаб чиқариш занжирларига қўшилиш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташладик. Ушбу йўналишда бу йил салмоқли натижаларга эришамиз, деб ишонаман.

Учинчи. Ортиқча бюрократияни қисқартириш ва коррупцияни таг-томири билан йўқ қилиш бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг диққат марказида бўлади.

Бу борада бошланган маъмурий ислохотларни изчил давом эттириб, инсон ва бизнесга кўмаклашадиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган илҳам ва самарали давлат бошқарув тизимини жорий этамиз.

Хурматли банк бошқарувчилари! Бир фикрни очик айтшимиз керак, ислохотларимизни амалга ошириш ва ҳозирги натижаларга эришишда халқаро ҳамкорларимизнинг кўмаги биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугун қатъий ишонч билан айта оламиз — Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш йўлида Европа тикланиш ва тараққиёт банки бизнинг стратегик ҳамкоримизга айланди. Айниқса, банкнинг мамлакатимиздаги лойиҳалар портфели 4 миллиард евродан ошгани, шундан 3,3 миллиард евролик лойиҳалар сўнги тўрт йилда бошлангани бу фикрни аққол тасдиқлайди.

Утган йил якуни билан Ўзбекистон банкнинг бешта энг асосий ҳамкорлари қаторига кирди. Йиллик инвестиция ҳажми бўйича эса, унинг Марказий Осиёдаги энг йirik бизнес шеригига айланди.

Энг муҳими, банк хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ёндашуви ва мақсадларимиз ҳам уйғун ва ҳамоҳангдир. Ҳозирги вақтда

мамлакатимизда банк лойиҳаларида хусусий бизнеснинг улуши 55 фоизга етгани ҳам шундан далolat беради.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлган "яшил энергия", ичимлик суви, йўл-транспорт инфраузилмаси, экология каби соҳаларда ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Хусусан, қайта тикланадиган энергия соҳасида банкнинг 600 миллион евро маблағлари иштирокида йirik лойиҳаларни бошладик. Бундай фаол ҳамкорлигимиз иқтисодийтимизга бошқа хорижий инвесторларни жалб этишда ҳам "катализатор" бўлиб хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизни қўллаб келаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарияти, айниқса, банк президенти Рено-Бассо хонимга, банкка аъзо давлатлар ҳукуматлари ва бошқарувчиларига, банк билан ҳамкор ташкилотлар ва инвесторларга, биз билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошираётган барча банк ходимларига чукур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар! Биз бундан буён ҳам ислохотларимизни давом эттиришда ривожланиш борасидаги халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликка таянамиз.

Биринчидан, биз мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда фақат ва фақат хусусий секторга таянамиз. Шу боис, келгуси тараққиётимиз хусусийлаштириш жараёни билан ҳамбарчас боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Бу борада корхоналардаги давлат улушларини сотиш, стратегик компаниялар ва йirik банкларнинг акцияларини очик савдога чиқариш бўйича йил бошида катта марраларни олдик. Хусусан, илк бор иқтисодийтимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона "IPO"га олиб чиқилади.

Ушбу йўналишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан катта дастурни амалга оширамиз. Биргина мисол, мамлакатимизнинг энг йirik банклари — "Ўзсаноатқурилишбанк"и ва "Асак" банкни хусусийлаштириш бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан фаол иш олиб борялмиш. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш, энг замонавий технологиялари бор инвесторларни жалб этиш бўйича банк билан алоҳида дастурни бошладик.

Биз камбағалликни қисқартириш бўйича олдимизга катта марраларни қўйдик. Уларга эришиш

учун тадбиркорларга янги-янги имконият ва шароитлар яратамиз. Шу мақсадда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича банк билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

Иккинчидан, инфратузилма, тиббиёт, таълим, транспорт, экология каби давлат ихтиёридаги соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш.

Бу борада банк билан мамлакатимизда илк бор Наманганда ичимлик суви тармоғини бошқариш, Тошкент — Самарқанд замонавий магистрал автомобиль йўлини қуриш лойиҳаларини бошлаямиз.

Салоҳияти юқори бўлган туризм соҳасида ҳам давлат-хусусий шерикликни кенгайтирялмиш. Уйлайманки, сизлар Самарқандда бўлиб, мамлакатимизнинг туризм борасида қандай катта истиқболга эга эканини ўзингиз ҳис қилиб турибсиз.

Умуман, мазкур анжуман доирасида солиқни сақлаш, таълим, инфраузилма, транспорт, энергетика соҳаларида 40 дан ортик йirik давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тақдироти ўтказилади. Ушбу лойиҳалар сизларда катта қизиқиш уйғотишига ишончим қомил.

Учинчидан, "яшил иқтисодиёт", айниқса, "яшил энергия" соҳаларини жадал ривожлантириш.

Биз 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказишни режа қилганмиз. Бу борада Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шу йилнинг ўзида умумий қуввати 1,2 гигаватт бўлган 3 та йirik қуёш станцияси барпо этилади.

Шу билан бирга, бугунги анжуман бўлиб ўтаётган кўҳна Самарқанд яқинда банкнинг "яшил шаҳарлар" дастурига киритилди. Биз Нукус, Андижон, Бухоро ва Наманган каби шаҳарларимизни ҳам ушбу дастурга киритишда банкнинг кўмагига таянамиз.

Туртинчидан, биз Янги Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қараялмиш.

Бу борада банк билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича амалга ошираётган дастурларимиз алоҳида эътиборга сазовордир. Бундай лойиҳаларни кескин ошириш бўйича банк билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтирялмиш.

Бешинчидан, банк билан бирга илғор агротехнологиялар, суви тежаш ва озиқ-овқат

хавфсизлигини таъминлаш бўйича яна қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга оширишга тайёримиз.

Глобал озиқ-овқат тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бундай лойиҳалар банк учун ҳам, инвесторлар учун ҳам жуда фойдали бўлади, деб ҳисоблайман.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Биз Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантиришни Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олганмиз.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва изчил саъй-ҳаракатимиз натижасида бугун Марказий Осиё яхши қўш-ничилик ва шерикликнинг ёркин намунасига айланиб бормоқда. Жумладан, қўшилларимиз билан иқтисодий муносабатларни кенгайтириш мақсадида биз қўшма инвестиция фондларини ташкил этдик, саноат, энергетика, транспорт ва сув ҳўжалигида бир қатор йirik лойиҳаларни бошладик. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа хорижий ҳамкорларимизни бундай минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Сўзимнинг якунида яна бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман: бугунги халқаро анжуман Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиш учун тарихий имконият яратмоқда.

Самарқандга 71 та мамлакат ҳукуматлари вакиллари ташриф буюргани ҳам ушбу давлатлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни бошлашга катта туртки беришига аминман.

Бугунги "Ўзбекистон инвестиция тақдироти"да мамлакатимиз бизнес соҳасида қандай катта имкониятларга эга экани атрофда кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган сессия ва учрашувларда сизларга янги лойиҳалар батафсил тақдим қилинади.

Шу кунларда анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси Ўзбекистондаги янги бизнес йўналишларини ўзи учун кашф этишига ишонаман. Шу билан бирга, юртимизнинг қадимий тарихи, бетакор маданий мероси, халқимизга хос меҳмондўстлик ва очикқўнғиллик фазилатлари сизларда унутилмас таассуротлар қолдиради, деб ўйлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда катта ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бошлангичи 1-бетда

Инвестиция ва банк-молия соҳаларида йirik битимлар амалга оширилди. Етақчи молиявий институт экспертлари "яшил иқтисодиёт", коммунал соҳа ва транспорт инфраузилмасини модернизация қилиш, экология ва бошқа устувор йўналишлардаги ислохотларга кўмаклашмоқда.

Янги узоқ муддатли Шериклик стратегиясини тайёрлаш ва бойитиш масалалари диққат марказида.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик механизмидаги, "яшил" ва инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда "Яшил шаҳарлар" дастуридаги иштирокини кенгайтириш борасидаги дастур ва лойиҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Марказий Осиёда минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо Самарқанд шаҳрида банк бошқарувчиларининг йиллик учрашувини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишда кўрсатилган кўмак учун чукур миннатдорлик билдирди.

Томонлар мамлакатимиздаги орта қайтмас тул оған ислохотлар доирасида Ўзбекистон ва ЕТБ стратегик ҳамкорлигининг янги кун тартибини биргаликда амалга оширишга тайёр эканини таъкидладилар.

Европа Иттифоқи делегацияси билан учрашувда Ўзбекистоннинг ЕИ институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини, шу жумладан, минтақавий шериклик форматида кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Валдис Домбровскис давлатимиз раҳбарига Еврокомиссия Раиси Урсула фон дер Ляйен ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг самими саломларини етказди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас демократик янгилашлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қўллаб-қувватланди.

ЎЗА



ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

## ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КАШФ ЭТМОҚДА

17 май куни Самарқанд шаҳрида ўтаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тадбирдаги иштироки анжуманга алоҳида руҳ бағишлагани ҳолда мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган юксак эътибордан далolat берди.



**Жейкоб ШААДС, "Lindemann Law" юридик фирмаси ҳаммуассиси (Швейцария):**

— Бугун Самарқанд, умуман, Ўзбекистон ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши каби муҳим халқаро тадбирни ўтказиш учун энг муносиб жой, деб ҳисоблайман. Бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан сўнги йилларда самарали иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ва мамлакатни ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос эътирофидир.

ЕТБнинг Самарқанддаги тадбири ҳам халқаро ҳамкорлар, салоҳиятли инвесторлар учун маҳаллий тадбиркорлигини янада чукурроқ ўрганиш учун ажойиб имкониятдир. Ишончим қомилки, ЕТБ бундан кейин ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутади ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

**ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ — ҚУЁШ, ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА САРМОЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА. ЕТБ САМАРҚАНДДАГИ ЙИГИЛИШДА БУ ЙЎНАЛИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАН АҲАМИЯТЛИДИР.**

**Жонатан ЧАРЛЗ, ЕТБ коммуникациялар департаменти директори (2011-2022), журналистика ва коммуникациялар бўйича эксперт (Буёк Британия):**

— Ўзбекистон бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш бўйича ниҳоятда жозибали ва истиқболли мамлакат ҳисобланади. ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишида Ўзбекистон сармоявий салоҳиятининг тақдироти буни яна бир бор исботлади.

Мажлисда сўзга чиққанлар Ўзбекистон очик, дўстона, меҳмондўст, юқори малакали ишчи кучига эга жадал ривожланаётган мамлакат эканини таъкидлади. Мамлакатнинг сармоявий жозибadorлиги тобора ортиб бормоқда. Буни Ўзбекистонда фаолият юратаётган ва ижобий тажрибага эга қўллаб-қувватлаш компаниялар вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

Шунингдек таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда қайта тикланадиган энергия манбалари — қуёш, шамол энергетикасини ривожлантиришга катта сармоялар жалб қилинмоқда. ЕТБ Самарқанддаги йиғилишида бу йўналишни қўллаб-қувватлагани аҳамиятлидир.



Бугун Самарқанддаги ЕТБ йиғилишида хорижий инвесторлар мамлакатимизда янги инвестиция имкониятларини кашф этмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Самарқандда шундай муҳим халқаро тадбирни ўтказиб, мамлакатнинг ажойиб сайёҳлик салоҳиятини ҳам намойиш этди. Ишончим қомилки, тадбир иштирокчилари ўзлари билан тарихий шаҳар, унинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг бой маданияти ва аънавий меҳмондўстлигидан катта таассуротлар олиб қайтади.

"Frontier ESG Advisory" компанияси таъсисчиси Иан САНДЕРС ва Иқтисодий низолатчи хал қилиш маркази бош маслаҳатчиси Эндру ГРОССМАН (Буёк Британия):



— Шу кунларда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг навбатдаги йиллик анжумани доирасидаги тадбирларда минглаб халқаро делегатлар ҳам бўлди. Шу ўринда кўҳна тарихга эга бўлган ва ёш мамлакат сифатида изчил ривожланаётган Ўзбекистон ўз тарихида трансформация жараёнининг муҳим босқичида турганини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар жараёни шундай таъсир

қўрсатиш салоҳиятига эгаки, уларни XIX асрнинг саноат инқилоби билан таққослаш мумкин. Дастлаб "энергетик утиш" деб номланган мазкур жараён ўзи англатадиган тушунча доирасидан чиқиб кетган, бугун унга "глобал барқарор инвестициялар" атамаси кўпроқ мос келади.

Бу жараён халқаро молия бозорларининг қиёфасини тез ўзгартирмоқда: тахминларга кўра, келгуси икки йил ичиде 33 триллион доллар миқдордаги инвестициялар барқарор ривожланиш ва экология, ижтимоий ва бошқарув (ESG) стандартларига йўналтирилади.

Эътибор марказининг бундай тез ўзгариши бутун дунёдаги йirik молия институтлари ўз устуворликларини янги воқеликка мувофиқ белгилаш учун жуда кўп меҳнат қилиши лозимлигини англатади.

Бугунги Ўзбекистон ушбу янги йўлнинг бошида турибди. Давлат корхоналарини марказлашувдан халос қилиш ва хусусийлаштириш дастури туфайли мамлакат бу соҳада ўзининг янги миллий стратегиясини амалга ошириши учун барча имкониятларга эга. Аҳоли таркибида ёш, билимли одамлар устуворлигини ҳисобга олсак, улар барқарор ривожланиш ва ESG соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун етарли даражадаги малакага эга эканлиги аён бўлади.

**Зафар ЖОНПЎЛАТ, "Ziraat Bank Uzbekistan" бош директори (Туркия):**

— ЕТБ бошқарувчиларининг Самарқанддаги учрашуви Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг руҳига мос келади.

Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси, биринчи навбатда, ҳамкор давлатлар, жумладан, узоқ хориж билан очкилик ва ўзаро ишонч сиёсати туфайли кўз унгимизда кундан-кун мустаҳкамланиб бормоқда.

Буёк Ипак йўлининг тарихий маркази — Самарқанд шаҳрида 16-18 май кунлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши ташкил этилиши ва унда дунёнинг йirik хорижий молия институтлари ва етақчи корпорациялари раҳбарларидан иборат делегатлар иштирок этаётгани халқаро бизнес ҳамжамиятининг Ўзбекистондаги сармоявий имкониятларга нисбатан қизиқиши бораётганидан далolat беради.

"Барқарорлик учун сармоя киритиш" шиори остида ўтказилаётган ЕТБ тадбири, шубҳасиз, дунёдаги ноаниқликлар туфайли ортиб бораётган иқтисодий хавфларни бартараф этишнинг аниқ режаларини шакллантириш учун асос яратади.

Ишончим қомилки, учрашув натижалари минтақавий интеграция ва бутун Марказий Осиё минтақаси фаровонлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

"Дунё" АА



yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news

СЎЗ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Самарқанд

янги ғоялар, лойиҳалар ва ҳамкорлик маркази

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Самарқанддаги Халқаро туризм марказида бўлиб ўтаётган 32-йиллик йилгилининг иккинчи кунини ўта муҳим — Ўзбекистон инвестициявий салоҳиятини намойиш этишига қаратилган тадбир билан бошланди.

“Ўзбекистоннинг инвестициявий истиқболли” мавзусидаги йилгилида ЕТТБнинг барча нуфузли халқаро тузилмалари раҳбарлари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда ЕТТБ Ўзбекистондаги 26 лойиҳага қарийб 900 миллион доллар миқдорда

сармоя киритди. Натижада мамлакатимиз кетма-кет учинчи йил тузилманинг Марказий Осиё бўйича етакчисига айланди. “Ўзбекистоннинг инвестициявий истиқболли” сессияси ҳам халқаро ишбилармон доиралар билан инвестиция

ўсиши истиқболли ва имконияти тўғрисида ахборот, фикр алмашиш учун ўзига хос қулай платформа вазифасини ўтади. Анжуманда “Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг барқарорлигини ошириш”, “Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ЕТТБ”, “Марказий Осиёдаги молиявий бозорлар орқали хусусий капитални сафарбар қилиш: синовга кўтарилиш, дуч келиш”, “Марказий Осиё: барқарор энергия йўлида” каби тадбирлар бўлиб ўтди ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича шартнома, битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.



овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, истеъмол товарларини оммавий тарзда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида бундан ун йил аввал Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси ташкил этилган.

Хумюн ТУРОПОВ, “Узавтосаноат” АЖ Маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи:



— Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ушбу нуфузли анжумани айнан юртимизда ўтаётгани бутун дунёда улкан акс садо бермоқда. Тадбир доирасида турли учрашув ва мулоқотлар ташкил этиляпти. Хусусан, Ўзбекистоннинг инвестициявий истиқболлари бўйича ўтказилган мулоқотлар қизгин кечди. Бу тадбирлар иқтисодий ётишимнинг турли тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун катта имконият яратаяпти. Биз ҳам бундан самарали фойдаланиб, қатор хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказдик. Тайванлик ишлаб чиқарувчилар учун корхонамизнинг тақдирини уштурдик. Улар биз тақдим этган маълумотларни ўрганиб чиқиб, ўз тақлифларини берадиган бўлди.

“Узавтосаноат”да бугунги кунда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Маҳаллийлаштириш дастури туфайли ўтган йили 40 миллион долларлик импортни қисқартиришга эришдик. Авваллари хориждан импорт қилинган қатор бутловчи қисмлар, икки хил материални бирга қўйиб қўриқчи деталлар ишлаб чиқариш, янги металлга қайта ишлов бериш цехларини ишга туширишга мўваффақ бўлдик. Бу импортни қисқартириш, валютани тежаш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаровонликка эришишга хизмат қилмоқда. Жорий йил бу кўрсаткични янада оширишни режа қилганмиз. Бугунги тадбирдан фойдаланиб, маҳаллийлаштириш лойиҳаларига инвестициялар жалб этишга ҳаракат қилаймиз.

Исломиддин НОРИМОВ, Навоий вилояти ҳокими ўринбосари:

— Навоий вилояти республикамизнинг иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан муҳим ҳудудларидан бири. Худудимизда саноат анча ривожланган. Жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё саноати соҳасида катта салоҳият мавжуд. Сўнги йилларда туризм ҳам жадал ривожланиб, бу йўналишда қўшимча имкониятлар яратилляпти. Вилоятда янги ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда қўшилган қиймат маҳсулотлари яратадиган лойиҳаларни амалга ошириш, хомашёни ҳудуднинг ўзидан қайта ишлаш ва янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамият касб этади. Йирик саноат лойиҳаларини ҳаётга татиқ этишда ҳудуднинг ихтисослашуви эътиборга олинапти. Масалан, пахтачиликка ихтисослашган ҳудудларда пахтачи қайта ишлаш кластерлари ташкил этиляпти. Маҳаллий ишчиларнинг замонавий технологиялар бўйича салоҳиятини ошириш, муносиб иш топшига имкон яратиш учун ҳар бир ҳудудда мономарказлар ташкил этилган. Йирик корхоналар тизимида касба ўқитиш марказлари ҳам мавжуд.



Баҳодир УМИРШАЙХОВ, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбари:

— Статистик маълумотларга қўра, мамлакатимизда йилга ўртача 16 миллион тоннадан ортқ мева-сабзавот, полиз ва дуккалик маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқаришмоқда. Бироқ уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилади. Бу ўз-ўзидан агрологистика тизими яхши ривожланмагани ва мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилиши лозимлигини аналитади. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги етиштирилган ҳосилнинг камида 30 фоизга яқини исроф бўлишига олиб келмоқда. Баъзан етиштирилган маҳсулотларни халқаро стандартларга мос лаборатория текширувидан ўтказишда ҳам муаммолар бор. Мазкур камчиликларга ўринли ечим топиб, бартаараф этишга қўмақлашиш, юқори сифатли озиқ-

Вилоятимиз табиий хомашёга бой. Масалан, гранит, фосфорит конлари бор. Ушбу салоҳиятдан тўғри фойдаланиб, иқтисодий ривожлантириш асосий вазифамиз. Шу маънода, ушбу нуфузли тадбир биз учун янги истиқболларни очишга хизмат қилади. Форумда йирик инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, вилоятимиз салоҳиятини намойиш қилиш бўйича музокаралар ўтказаямиз. Экспорт шартномалари тузиш режамиз бор. Бу вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларини хорижга олиб чиқишга замин яратяди. Инвесторлар билан мулоқот давомида вилоятнинг мавжуд салоҳияти, ихтисослашуви, ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш йўналишларини тақдирот қилдик. Хусусан, қурилиш материаллари, мўқобил энергия манбалари лойиҳалари бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, экспортни кенгайтиришда маҳаллий тадбиркорларга қўмақлашиш уюшманинг асосий вазифаси. Маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда шу йўналишда қатор лойиҳаларни амалга оширяймиз. Жўмладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) билан қўша лойиҳа рўёбга чиқариляпти. Бу лойиҳа озиқ-овқат тўқинлиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Форум доирасида энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича бўлиб ўтган тадбир, айниқса, бизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда илгари сурилган ғоялар, лойиҳалар рўёбга чиқиши юртимиз келгусида сифатли, экологик тоза, тўқинли ва шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар каторидан ўрин олишига хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ, Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА СОДИҚЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 18-19 май кунлари давлат таширфи билан Хитой Халқ Республикасида бўлади. Давлатимиз раҳбари таширфи доирасида Сиан шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” форматдаги саммитда ҳам иштирок этади.

ҳисобланади. Ўзбекистонда Хитой инвестицияларининг йиллик кўпайиши юқори ўсувчанлиги билан ажралиб туради. Сўнги 3 йилда Хитой Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкори сифатида ўз мавқени сақлаб қолмоқда. 2022 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо ҳажми қарийб 9 миллиард долларга етди.



Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг 2022 йили Самарқандга таширфи чоғида умумий қиймати 15 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги салмоқли ҳўжатлар тўплами имзоланди.

Шўтнинг Самарқанд саммитида Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишининг лойиҳаси бўйича унинг амалий чора-тадбирларини кўзда тутадиган уч томонлама битим имзоланди. Қўтилаётганидек, мазкур темир йўл магистралнинг ишга туширилиши Хитойдан Жанубий Европа мамлакатларига юк ташилиши мавқосида ва вақтинчи сезиларли даражада қисқартириши баробарида минтақавий алоқаларни ривожлантириш, халқаро савдо-иқтисодий кенгайтириш ва инвестицияларни жалб қилиш учун янада кўпроқ имкониятлар яратяди, “Бир макон — бир йўл” ташаббусининг амалга оширилишига янги ўсувчанлик бағишлаяди.

Ўзбекистон ва Хитой кўнжа Шарқ цивилизацияларининг кўп асрлик дўстона ва маданий тарихига эга бўлган мамлакатлар ҳисобланиши ўзаро гуманитар алмасувларни фаол ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг ҳар томонлама стратегик ҳамкори сифатида республикадаги ривожланиш жараёнларини қўллаб-қувватляди. Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг дўстона руҳда фаоллашиши нафақат икки мамлакатнинг ўзоқ муддатли манфаатларига жавоб беради, балки минтақанинг ҳар томонлама ривожланиши ва гуллаб-яшнашига қўмақлашади.

Икки мамлакат етакчилари ўртасидаги ишончли ва самимий муносабатлар ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ва самарали ривожлантиришнинг қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин ислоҳотлар ва очикликнинг қатъий тарафдорлари бўлиб, фаолият марказига халқ манфаатларини қўяди, асосий эътиборни одамларнинг ҳаёти сифатини оширишга қаратади. Ҳар икки давлат раҳбари яхши қўшничлик муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда, миллий манфаатлар тақозо этидиган мустиқил ташки сибсат олиб боришга амал қилмоқда, халқаро ҳўқуқ ва адолат устуворлиги ҳимоясида собит турмоқда. Бу икки давлат ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилишига замин бўлди. Президент Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил февраль ойида Пекинда бўлиб ўтган қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди, “БРИКС плюс” форматдаги Глобал ривожланиш масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда видеомуносабатлар билан қатнашди. Ўзбекистон ва Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида илгари сурилган ташаббус ва тақлифларнинг амалга оширилишида бир-бирини доимо қўллаб-қувватлаган. Си Цзиньпин ўтган йил сентябрь ойида давлат таширфи билан Ўзбекистонда бўлиб, Шўтнинг Самарқанд саммитида иштирок этди. Таширфи чоғида ХХР Раисига икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшгани учун Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти — “Олий даражали Дўстлик” ордени топширилди. Ўзбекистон Президентининг давлат таширфи ҳам икки томонлама муносабатларнинг юқори даражада ривожланаётганидан ҳамда стратегик шерикликни янада чуқурлаштиришга содиқликдан далолат беради. Мухтасар қилиб айтганда, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари яхши қўшничликни янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали, жўмладан, минтақавий асосдаги ҳамкорлик қўламларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Сиан шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” битимчи кўп

томонлама учрашуви Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли стратегик мулоқот давомида ҳамкорликнинг янги формати бўлиб қолишга ишонч билдирилмоқда.

2022 йил январь ойида ушбу форматда давлат раҳбарларининг онлайн саммити бўлиб ўтди. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган ушбу саммит ишида Ўзбекистон Президенти иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий ижтимоий-сиёсий модернизация ҳамда иқтисодий эркинлаштиришнинг, маънавий-маданий тикланиш ва ҳамкорликнинг ҳар томонлама мустаҳкамланиши “Марказий Осиё+” шаклидаги тадбирларнинг фаоллашуви билан боғлиқ эканига шўбха йўқ. Бундай жараёнлар кўп жиҳатдан Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшили билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва чуқурлаштириш масаласини Ўзбекистон ташки сибсатининг устувор йўналиши сифатида белгилагани туфайли муҳим воқеликка айланди.

Ўзбекистон етакчилигида Марказий Осиёда сиёсий муҳит сезиларли даражада яхшилانгани ҳолда самимий қўшничлик ва ўзаро ишонч руҳи шакллана бошлади. Илгари мавжуд бўлган кескинликларга барҳам берилди, минтақавий интеграция ва ҳамкорлик жараёни янги босқичга кирди.

Бугунги кунда томонлар Марказий Осиёнинг энг муҳим Трансевросиё тинчлик ва мақомини ошириш учун мавжуд салоҳият ва имкониятлардан фойдаланишга, “Марказий Осиё — Хитой” транспорт йўлагини ривожлантиришни фаоллаштириш, шунингдек, Янги иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқишга тайёр.

Хитой Марказий Осиё давлатларининг ривожланиш йўлини, миллий мустиқиллигини, суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек, улар

ИККИ МАМЛАКАТ ЕТАКЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ВА САМИМИЙ МУНОСАБАТЛАР ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ВА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КАФОЛАТИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИН ИСЛОҲОТЛАР ВА ОЧИҚЛИКНИНГ ҚАТЪИЙ ТАРАФДОРЛАРИ БЎЛИБ, ФАОЛИЯТ МАРКАЗИГА ХАЛҚ МАНАФААТЛАРИНИ ҚЎЯДИ, АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИШАДИ.

олиб бораётган мустиқил ташки ва ички сибсатни қўллаб-қувватляди. ХХР Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг жадал жараёнларини оқшиляди, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари механизмининг минтақавий хавфсизлигини, барқарорлигини ва изчил ривожланишини таъминлашнинг ўта муҳим омилли сифатида, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ва бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси сифатида юқори баҳоляди.

Марказий Осиё мамлакатлари Хитой билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда, шу жўмладан, “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида ҳам. Марказий Осиё давлатлари Хитойнинг давлат бошқаруви, иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ноёб тажирибасини юқори баҳоляди ҳамда ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Шу нўқтаи назардан, бўлажак “Марказий Осиё — Хитой” саммити, шўбасиз, улкан минтақавий барқарор ривожланиш ва тараққиётга эришишга йўналтирилган ўзаро ҳамкорликнинг янги бошлангич нўқтаси бўлади.

ТАХЛИЛ

# КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

## Бу ўзини қанчалик оқлаяпти?



**Шаҳо МАҲКАМОВА,**  
Иқтисодий ва молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, иқтисодий фанлари доктори

Камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида тизим яратилиб, Хитой тажрибаси асосида янги самарали усуллар жорий этилаётгани бугун ўз натижасини берапти. Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1 триллион 500 миллиард сўм субсидия ажратилаётгани, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали 2 миллион 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган юрtdошларимиз моддий ёрдам билан камраб олинаётгани шулар жумласидан. Қолаверса, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратилапти. Умуман, ишсиз, муҳтож аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун барча йўналишларда аниқ механизмлар ишлапти.

Чуқки камбағалликни қайтариш аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйғотиш, касбага тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтиришга

қаратилган комплекс вазибаларни қамраб олади. Шу йилнинг 15 май куни давлати-миз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ана шу комплекс ишларни янада фаоллаштириш масалалари ўртага ташланди. Бунда тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилиб, шу соҳага қўшимча шароитлар яратилиши таъкидланди. Қолаверса, ҳар бир вилоятда Хитой тажрибаси асосида камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни сановатлаштиришга эътибор қаратиш кўзда тутилган.

### Мезонлар доим бир хил эмас

Камбағаллик, бир қарашда, ҳар бир давлатнинг ўзигагина тегишли муаммодек. Аммо аслини олганда, бу кўпга давлатлар ривожига таъсир этувчи глобал муаммо ва унга қарши кураш БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Охириги йилларда биз камбағаллик даражаси ҳақида кўп

гапиряпмиз. Аммо уни белгилловчи аниқ механизмлар ҳақида ҳар доим ҳам тасаввурга эга эмасмиз.

Ҳар шундаки, камбағаллик тушунчасига ягона изоҳ ва таъриф мавжуд эмас. Уни аниқлашда ҳам асосан аҳолининг даромад кўрсаткичларига эътибор қаратилади. Бироқ хориж тажрибаси ва олиб борилган тадқиқотларимиз камбағаллик даражасини фақат даромад билан боғлаш ва нафақалар ажратилишида «тайинланиш» ҳамда «рад этилиш» ҳатолиқларига йўл қўйиши мумкинлигини кўрсатди.

Жаҳон тажрибасига кўра, камбағаллик мутлоқ ёки нисбий бўлиши мумкин. Мутлоқ камбағаллик МДҲ давлатларида яшаш минимуми (озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, хизматлардан фойдаланишнинг энг кам ҳажратлари) орқали белгиланса, халқаро институтлар томонидан камбағалликни нисбий аниқлаш кўрсаткичидан фойдаланилади. Шу жиҳатдан, камбағаллик даражасини ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб белгилаши мақсадга мувофиқ.

Масалан, Оксфорд университети ишлаб чиққан камбағалликни кўп омилли аниқлаш усулига кўра, Покистон учун битта оилада битта 5-синфни тугатган одам бўлса, бу оила таълим бўйича (депривация) камбағал тоифага киритилмайдди. Бордон, Ўзбекистонда ҳам шу усул таъбиқ этилса, у ҳолда, 100 фоиз аҳоли таълим бўйича камбағал ҳисобланмайдди.

Глобал кўп омилли камбағаллик индекси ривожланаётган 104 та мамлакат бўйича ҳисобланиб, 2010 йилда унинг ҳисоботи эълон қилинган эди. Ушунда мамлакатимизда камбағаллик даражаси Оксфорд университетининг услубияти томонидан ўрта оил бўйича баҳоланиб, 2006 йилда унинг коэффиценти 2,3 фоиз, деб белгиланган. Аммо 2020 йилдан кейин мамлакатимизда бу кўрсаткич хориж тажрибаси асосида қатор мезонлар билан ўлчана бошланди. Айнан 2020 йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар таъминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолиимизнинг

4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бор-моқда», дея илк бор камбағалликни қисқартириш йўналишини давлат сиёсати даражасига кўтарган эди. Шундан сўнг турли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, юртимиз бўйлаб тажриба кўзатувлари олиб борилди. Унда жаҳоннинг илгор давлатлари тажрибаси, хусусан, АҚШнинг таниқли олимлари — Нобель мукофотининг 2019 йилдаги лауреатлари Абхижит Банержи, Эстер Дюфло ва Майкл Кремернинг камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказган тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

### Рақамлаштириш шафқатлироқ оширади

Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизда камбағаллик, унинг шакллари, белгилаш усуллари ва даражаларини аниқлаш йўналишида қатор тадқиқотлар ўтказилди. Улардан бири Иқтисодий ва молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлар институти томонидан 2020 йилда олиб борилган «Кам таъминланган оилалар мониторинги ва ижтимоий ҳимоя ягона реестри» бўйича тадқиқотдир. Бу ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам ажратишда шафқатлироқликни таъминлашга қаратилган лойиҳа бўлиб, айни вақтда бу тизим инсон омилли-си аналга оширилдиган электрон шақла ўтишига эришилди. Аввалига, бу корона-вирус пандемияси даврида аҳолига масо-фадан туриб давлат хизматлари кўрсатиш, санитария талаблари жиҳатидан қозғ кўринишидаги ҳужжатлар айланмасини қайтариши зарурати сабаб юзага келган. Кейинчалик, ижтимоий нафақаларни тайинлашда расмийлик ва бюрократияни бекор қилишда муҳим омилга айланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими яратилди. Айни пайтда ижтимоий нафақа учун ариза беришдан тортиб, нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёнининг бари рақамли тизим асосида амалга ошириляпти. 2021 йилдан бошлаб вазаирлик ва идоралар мазкур реестрга боғланди.

Бу борадаги жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, кўпга ривожланган мамлакатларда аҳолига пул ёки махсус-лот кўринишидаги ёрдамларни кўрсатиш тизими автоматлаштирилганини кўриш мумкин. Муҳтож инсонлар ва оилаларга шу каби давлат хизматларини кўрсатиш электрон тизим ёрдамида амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимоя реестрларининг қамров даражаси эса ҳар бир мамлакатда турлича. Баъзи ижтимоий реестрлар деярли умумий қамровга эга. Бразилия, Грузия, Индонезия каби давлатларда бўлса, тизим аҳолининг учдан бир қисмидан то ярмига-ча қоплайди. Айрим мамлакатларда ижтимоий ҳимоя реестрлари оdatда, камбағал, заиф ёки ногирон аҳоли гуруҳлари қамровига қаратилган.

Бундай тизим нақд пул кўринишидаги ёрдамдан ташқари, бир қанча имтиёз ва

хизмат турларини ҳам қамраб олади. Масалан, ижтимоий пенсия, тиббий суғурта ёки тиббий ёрдам кўринишидаги субсидия, коммунал ва транспорт учун субсидия, таълим, меҳнат ва иш билан таъминлаш, уй-жой дастурлари, қишлоқ ҳўжалиги, ер ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шўшилич ёрдам, уруш қатнашчилари учун ажратиладиган имтиёзлар шулар жумласига киради.

Энг асосийси, улар аҳолининг вақтин ва нақдин сезиларли тежайди. Айниқса, замонавий ахборот тизимларини кенгроқ қўллаш имкониятларини янада оширмоқда. Масалан, Туркияда САИС ахборот тизими ишга туширилмасидан аввал ижтимоий ёрдам олиш учун ариза текширилишига 15-20 кун кетган бўлса, ҳозир бу жараён тахминан 1 дақиқада ҳал этилмоқда. Юртимизда ҳам бу борадаги натижаларни тақослаганда, электрон тизим одамларга қатор қўлайликлар яратиб, унга сарфланидиган вақт бир неча баробарга қисқарганини кўриш мумкин.

### Тадқиқотлар аниқлик бўлгандагина самара беради

Бу борада айрим жиҳатлар борки, уларга жиддий эътибор бериш талаб этилади. Масалан, манзиллиликни таъминлаш, маълумотлар базасини ўз вақтида янгиллаб бўриш, нафақаларни беришда ҳатога йўл қўймаслик кабилар. Шу боис, институтикимиз мутахассислари томонидан кам таъминланган ва эҳтиёмдор оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий салохиятини мониторинг қилиш мақсадида тўққизта блочдан иборат анкета-саволнома тузилган. Саволлар аҳолига очик (ўз фикрини билдириши) ва ёпиқ (жавоб вариантини белгилаш) шаклларида берилган. Тадқиқотлар асосида аниқ вази-балар белгиланиб, ижтимоий ҳимоя ягона реестри шу тарзда янгиллаб берилмоқда.

Одатда, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинланиши ёки рад этилиши муҳтож оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ. Муҳтож оилаларнинг ижтимоий портрети эса, асосан, қўйилганда: кўп болали оилалар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, ишсизлар, ёлғиз оналар

ва пенсионерлар. Шунингдек, камбағаллик даражаси бир қанча усуллар ёрдамида аниқланади. Хусусан, даромад мезони, уй ҳўжалиги бошлиғи ишсизлиги билан депривация белгилашчи ижтимоий усул, мол-мулкнинг йўқлиги, оила аъзоларининг уй-жойга ўта муҳтожлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаши асосида ўзини кам таъминланган, деб белгилаш орқали аниқланиш кабилар. Юқоридики келтирилган омилларни битта, иккита, учтадан, 4 таси бир вақтда ва 5 таси бир вақтда ҳисобла-ниб, камбағалликнинг интеграллашган даражалари белгиланади.

Умуман, мамлакатда камбағаллик даражасини тўғри аниқлаш муҳтож аҳоли қатлами ва уй ҳўжалиқларининг аҳолини чуқурроқ таҳлил қилишга имкон беради. Бу борада жаҳон тажрибасини қўллаш эса янада муҳим. Боиси, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида самарали усулларни ўрганиш орқали уларни ҳаётга жадал таъбиқ этиш мумкин. Юртимизда ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси ёрдамида турли усуллар қўлланилаётгани боиси ҳам шунда.

Ўзбекистон бу борадаги тажрибаларга очик эканини намойн қилимоқда. Шу боис, бугун — 18 май куни пойтахтимизда ўтказилаётган «Камбағалликни қисқартириш бўйича илгор тажрибаларни таъбиқ этиш» мавзусидаги II Халқаро форумга катта тай-ёрларлик қўрилди. Халқаро форумда ну-фузли меҳмонлар — 200 дан ортиқ делегат, жумладан, иқтисод бўйича Нобель муко-фоти совриндори, камбағалликни қисқар-тириш бўйича глобал ташаббус бўлган J-PAL ҳаммуассиси Абхижит Банержи, Жорж Вашингтон университетининг фар-овонлик иқтисодиёти ва камбағалликни ўлчаш бўйича иқтисод профессори Джеймс Фостер ва бошқа кўплаб йирик ташкилот-лар вакилларининг иштироки кутилмоқда.

Халқаро мутахассислар камбағалликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон эришган ютуқлар ва самарадорлигини кўриб чиқиш баробарида, илгор хориж тажрибаси билан ўртоқлашади. Форум доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир мамлакатимизда камбағалликка қарши кура-шни янги босқичга олиб чиқиш жараёнида муҳим ўрин тутаети.



## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Янгиланаётган Учқудуқ. Бу ташбехни қўллаш учун етарлича асос бор. Сабаби, бугунги кунда туманда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўлами кенг. Тўрт-беш йил аввал бу ерга келган киши ҳозир бўлаётган ўзгаришлардан хайратини яшира олмайди. Учқудуқ кўчалари бундан бир неча йил олдин тор, бунинг устига йўл атрофида тартибсиз қурилган бинолар автомашина ва аҳоли ҳаракати учун анча ноқулайлик туғдирарди. Айни вақтда қунора турли ижтимоий соҳа объектиларини кўркем тураржой бинолари, маданий-маърифий иншоотлар қурилиб фойдаланишга топириллаётгани узукка кўз қўйгандек бўлиши билан бирга, юқоридаги каби ноқулайликларга ҳам барҳам бермоқда.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, туманда 14 маҳалла ва овул мавжуд бўлиб, 2017-2022 йилларда 116 миллиард 471,4 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 7 мактаб, 9 мактабгача таълим ташкилоти, 6 маҳалла биноси мукамал таъмирланди.

Сир эмаски, чўл худудларда ичимлик сув таъминоти асосий муаммолардан бири. Халқимиз сув этиб борган жой обод бўлади, дейди. Чиндан ҳам шундай. Учқудуқда тоза ичимлик сув масаласи узок йиллар давомида муаммо бўлиб, бу ҳол ҳақли эътирозларга сабаб бўлиб келган.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифлари чоғида ҳудуд аҳолиси билан мулоқот қилиб, муаммоларини тинглади.

# Учқудуқ

## Чўлда яшаётган юрtdошларимиз турмушидаги ўзгаришлар



Халқнинг таклифи билан Учқудуқга тоза ичимлик сув узлуксиз этиб келадиган бўлди. Бунинг учун давлат бюджетидан сармага ажратилди. Ҳозир марказдан 90 километр узокликдаги Мингбулоқ овули худудида ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари бошлаб юборилган.

Айтиш кераки, йўл инфратузилмаси, электр энергияси ва газ таъминотидаги муаммолар ҳам аҳоли кайфиятига бевосита салбий таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бунёдкорлик жараёнида ушбу

масалалар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Жумладан, маҳалла ва овулларда охириги беш йилда 40,8 километр ички йўллар таъмирланиб, 16 километр пиведалар йўлгаги барпо этилди ва 172 донга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қўшимча 141,6 километр электр тармоғи тортилди, 960 таянч устуни алмаштирилиб, 16 донга трансформатор янгиланди. Шунингдек, жорий йилда йўлсозлик соҳасида 7 объектда жами 25 миллиард сўмлик ишлар режалаштирилган.

— Авваллари туманимизда йилига 600 метр, нари борса, 1200 метр йўллар таъмирланар ва унинг ҳам 50-60 фоизига шағал ётқизиларди. Имкониятлар ҳам шунга яраша эди, — дейди Учқудуқ тумани ҳокими ўринбосари Отабек Рамаонов. — Ҳозир ислохотлар тубдан ўзгарди ва имкониятлар кенгайди. Ҳар йили каммида 4-5 километр йўллар янгидан барпо этиляпти ва шунча масофадан ички йўллар қайта таъмирлянапти. Туман марказида транспорт ва пиведалар ҳаракати учун қўлайликлар яратилмоқда. Яқинда кўч қаватли уйлар орасига 1,5 миллиард сўмлик маблаг ҳисобига яшил қопламали болалар майдончалари қуриб, фойдаланишга топирилди.

Учқудуқ сановатлашган туман бўлгани сабабли худуднинг иқтисодий драйвери сервис ва хизмат кўрсатиш йўналиши ҳисобланади. Шу боис, бу ерда меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш ва савдо тармоқлари янги ривожланган. Янгидан қури-лаётган йирик савдо мажмуалари эса аҳолига қўлайлик яратиш баробарида, шаҳар инфратузилмасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Эътиборлиси, бу каби объектлар бунёд бўлиши натижасида кўплаб ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги таъминлянапти.

Туманда ижтимоий соҳалар, хусусан, мактабгача ва мактаб таълими соҳасига қаратилган эътибор ва рағбат ижобий самарасини кўрсатмоқда. Биламизки, мактабгача таълим бола ҳаётидаги муҳим давр саналади. Учқудуқда бундан 5-6 йил олдин мактабгача таълим ташкилотлари

талаб жуда юқори, аммо болалар қамрови анча паст эди. Шаҳарда мактабгача таълим ташкилоти бор-йўғи 7 та бўлган бўлса, бугунги кунда улар сонни 35 тага етди.

Албатта, бу каби замонавий масканларда тарбия олган болажонлар мактабга борган, ўзлаштирган билимларини фанлар орқали янада мустаҳкамлайди. Бунинг учун туманда етарлича имкониятлар мавжуд ва умумий ўрта таълим мактабларида замонавий ва сифатли таълим беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабларнинг моддий-техник базаси яхшиляниб, бино ва иншоотлар кўркем қиёфа касб этмоқда. Шунингдек, туман аҳолиси кўп миллатли бўлгани учун таълим масканларида бу жиҳат ҳам эътиборга олинган. Жумладан, худуддаги 9-умумий ўрта таълим мактабида дарслар қозғқ тилида олиб борилади. Мактабда дарс машғулотлари билан бирга, мусика тўғраги ҳам ташкил этилган. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги халқаро танловлар голибидир.

10-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларни касбга йўналтириш борасида на-мунали таълим муассасаси ҳисобланади. Бу ерда рассомлик, тикувчилик, бисер ва мунчоқдан буюмлар ясаш ва сартарошлик каби ўнлаб тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган.

— Туманимизда 19 умумий ўрта таълим мактаби ва 1 «Барқамол авлод» болалар маркази мавжуд, — дейди Учқудуқ тумани мактабгача таълим ва мактаб таълими бўлими раҳбари Жамшид Халилов. — Инвестиция ва «Обод қишлоқ» дастурлари асосида барча мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди ва замонавий жиҳозлар билан таъминлянди. Бундан кўриниб турибдики, туманимиз олис худуд бўлса-да, юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан четда эмас. Барча соҳага етарлича эътибор берилиб, имкониятлар яратилляпти. Педагогларимиз ҳам бу қўлайликлардан фойдаланиб, таълим сифатини ошириш борасида янги натижаларга эришмоқда. Мисол учун, аввал олий тоғфали ўқитувчи 1 фойизи ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Шунингдек, олис чўл худудларидаги мактабларимизни педагог ҳодимлар билан таъминлаш мақсадида 32 ёш мутахассис ишга қабул қилинди.

Туманда аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, туман тиббиёт бир-лашмаси янги бинога эга бўлиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган, тиббий хиз-мат сифати янада яхшилянди.

— Таъмирталаб ҳолатга келиб қолган тиббиёт бирлашмаси биноси ўрнига янги-си барпо этилиши, беморлар учун барча шароит ва қўлайликлар яратилгани туман аҳолисини жуда қувонтирди. Илгари бу олис худудда шундай замонавий шифо маскани бўлишига ҳеч ним ишонмас эди. Бу каби ислохотлар инсон қадри улуглан-ган юрtdа ҳеч қандай эътибордан четда эмаслигининг яна бир амалий ифодаси бўлди, — дейди туман тиббиёт бирлашма-си шифокори Гулшода Бустонова.

Учқудуқ табиати инжиқ. Қишда қаҳратон совуқ, ёзи жазирама ва кўм буронли шамоллар билан қузатилади. Бу эса кўз касалликларнинг ортишига сабаб бўла-ди ва иختисослашган тиббий жараёнлар талаб этилади. Шу мақсадда туман мар-казида кўз касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича хусусий клиника ташкил этилди. Ушбу тиббиёт муассаса-сида кўз касалликларига тезда ташхис қўйиш ва даволаш учун етарлича шароит яратилган.

Учқудуқнинг чўл худудларида асосий даромад манбаи чорвачилик ҳисоблана-ди. Ушбу йўналишда ҳам худудда ижобий натижаларга эришилмоқда. Овулда яшов-чи фуқароларнинг мурожаати ва хоҳишига кўра, уларга майда шохли мол, туячилик, йилқичлик каби тармоқларни ривожланти-риш учун имтиёзли кредит ажратилляпти. Шу орқали улар доимий даромадга эга бўл-моқда.

Ўзининг кўп миллатли аҳолиси, сановат йўналишидаги улкан салохияти билан бошқа туманлардан ажралаиб турувчи Учқудуқ тумани бугун бутунлай янгиланляпти. Бу эса жамият ҳаётининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган учқудуқлик юрtdошлари-мизга улкан ифтихор бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкам-ламоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**  
«Янги Ўзбекистон» муҳбири

НУҚТАИ НАЗАР

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ



Равшан ИКРОМОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети доценти

сифатли ўқитиш учун янги ташаббусларга бешик бўляпти

Ислохотларни рўйбга чиқариш жараёнида мактабларни замонавийлаштириш, ўқувчиларнинг шахсини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш ҳамда таълим бериш сифатини ошириш каби вазифалар кўйилмоқда. Мана шундай салмоқли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш учун Чирчиқ давлат педагогика университетида Педагогик таълим инновацион кластери ташкил этилди. Гуманитар фанлар факультети университетнинг бу борадаги асосий марказига айланди.

эмас. Унга кўра, ўқитувчи-педагоглар кадр-қимматини ошириш ҳукумат даражасидаги масалага айланган. Давлатимиз раҳбари "Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда, ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тарақиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир", деган эди.

Ҳозир тизимдаги ислохотлар марказида таълим олувчи шахсини янада ривожлантириш, инсон капиталини бойитиш масаласи устувор бўлиб турибди. Буни рўйбга чиқарувчи асосий қаҳрамонлар муаллимлардир. Зеро, сифатли таълим, аввало, интеллектуал салоҳияти юқори, замонавий билим, технологияларга эга, теран тафаккурли, дунёқараши кенг педагогга боғлиқ. Шу сабабли, бугунги ўқитиш тизими эскича яшаб бўлмагани яхши тушуниб, изланишдан толмайди, давр талабига муносиб жавоб қайтариши, ислохотларда кўзда тутилган вазифаларга лаббай деб жавоб беришга қодир ўқитувчиларни талаб қилмоқда.

Чирчиқ давлат педагогика университети янги Ўзбекистоннинг илм-маърифат максадаликларидан бири сифатида салоҳиятли кадрларни тайёрлашга ҳисса қўшмоқда. Жумладан, "ақлли" хоналар,

гаплашиш кўникмасини ривожлантириб боради. Олийгоҳимиз Туркиянинг Фират университети билан ҳамкорлик ўрнатган. Мазкур университет профессор-ўқитувчилари нафақат талабаларимиз, балки ўқитувчиларимизга ҳам турк тилини ўрганишга доир осон ва қўлай методикаларни тавсия этмоқда.

Талабалар академиясида илмий тадқиқот, интеллектуал билимларни ривожлантириш, компьютер ва медиа-саводхонлик, ижодкорлик, спорт йўналишида ҳам клублар фаолияти йўлга қўйилган. Барчасига тажрибали профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилмоқда. Мухими, талабанинг шахси ривожланиши керак.

Ўқитувчи учун биринчи талаб шуки, она тилининг ифода имкониятларини, нутқ маданиятини, албатта, тўла эгаллаши шарт. Педагогнинг коммуникатив компетентлик даражаси етарли бўлмаса, яъни нутқ маданияти, тил имкониятларидан тўғри ва умумий фойдалана олмас, сифатли таълимга эришолмайди. Талабалар академиясида бу йўналишда ҳам муайян ишлар қилинган. Жумладан, бўлгуси ўқитувчиларда нотиқлик кўникмасини ривожлантириш бўйича клублар фаолияти йўлга қўйилган. Нотиқлик маданиятининг нозик қирраларини ўрганиш, уни амалиётда қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, турли фанлардан видеодарслар тайёрлаш, ижодий махсулотларни аудио кўринишида кенг иктомий аудиторияга етказиш учун етарли шароит ҳозирланмоқда.

Нутқий компетентликнинг, коммуникативликнинг оқшаши натижасида



видеодарслар учун электрон доскалар, йўналиш хусусиятига хос лабораториялар, ҳуқуқшунос педагоглар учун юридик клиника, тарих фани ўқитувчиларини археологик экспозициялар билан ишлаш, уларни реставрация қилиш, электрон жамлашга ўргатадиган археология лабораторияси кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этапти. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб жамоатчилик ташкилий сифатида талабалар академияси иш бошлади. Унинг асосий мақсади янги Ўзбекистон мактаблари учун янги педагог кадрларни тайёрлашга қаратилган.

Бугунги талабаларнинг асосий эътибори таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишга қаратилган. Шу сабабли, уларда чет тилини ўрганишга эътиб ортиб бормоқда. Бироқ иқтисодий етимишчилик сабаб баъзи ёшлар чет тилини ўрганишда муаммога дуч келмоқда. Талабалар академияси ташаббуси билан инглиз, турк ва рус тилларини ўргатиш клублари ташкил қилинган. Илгир-қизлар учун айна мударо бўляпти. Талабаларимиз дарсдан кейин бу клубларда тил ўрганади, ўзаро мулоқот орқали

аудиторияда ҳали-ҳануз авторитар муҳит ҳукм сурмоқда. Бугунги кун буни қабул қилмайди. Чунки биз таълим олувчиларнинг эркин фикрлашга, фикрларини, қарашларини ва гояларини мустақил ифода қилиш, танқидий мулоҳазалар юритишга йўналтирилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан ўқув муҳитида демократик ва инсонпарвар тамойилларни қарор топтиришни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи ўзи намуна бўлиб, фаолиятини қандай ташкил қилишни, ишларнинг қўлай имкониятларини ўргатади, талаба ҳам ўзини ўзи ривожлантира олади. Таълим олувчиларни ўз устида ишлашга илҳомлантирадиган, руҳлантирадиган санъат — нотиқлик. Кучли нотиқ ҳар қандай аудиторияни илҳомлантира олади. Тингловчиларни ортидан эргаштиради, "янги дунё"ни кашф қилишга йўналтиради. Шу боис, бўлгуси педагогларнинг нотиқлик кўникмаларини ривожлантириш борасидаги фаолиятимизни тизимли равишда такомиллаштириб борамиз.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар замонавий тенденцияларга мос ҳолда ривожланипти. Узоқ йиллар давомида жамият тарақиётини белгилашда иқтисодиётга асосий эътибор қаратилди. Инвестиция ҳажминини ошириш, капитал киритиш, эркин бозор иқтисодиёти учун шароит яратиш кун тартибда турди. Турли, таълим сифати ҳақида ҳам ўйланарди. Бироқ бугунгидек мамлакат тарақиётини белгиловчи омили даражасига олиб чиқилмаганди. Ҳолбуки, иқтисодиётни раванқ топтириш, самарали инвестицияларни жалб этиш ҳам соҳа учун замонавий кадрларни тайёрловчи ўқитувчига боғлиқ. Агар ўқитиш тизимида таълим берувчи ва билим олувчи ўртасида инсонпарварликка асосланган тамойиллар ўрнатилмаса, сифатни оширишга қаратилган инфратузилма, ресурслар етарли бўлмаса, иқтисодиётдаги юксалишларга, кашфиётларга, юқори ўсish динамикасига эришиш қийин кечади. Шу сабабли, бугун таълимга, инсон капиталига қаратилган эътибор тахсинга сазовор.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ



Андижон давлат тиббиёт институти Ҳиндистоннинг нуфузли олий таълим муассасалари ва тиббиёт клиникалари билан тиббиёт ва таълим туризми йўналишида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

АНДИЖОНДА ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАР КЎПАЙМОҚДА



Мадамин МАДАЗИМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти ректори, профессор

табобати билан биргаликда ўрганиш масалалари юзасидан мутохамамар ўтказдик. Ҳиндистонлик мутохамамарларни АДТИ клиникасига жалб қилиш, жигар, бўйрак ва юрак трансплантология соҳаси бўйича мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятимизда йўлга қўйиш, кўшма таълим дастурларини ишга туширишда ҳамкорлик қиламиз. "ACN Group of Institutions" бошқарувчиси, доктор М.Ҳон билан ўсимликлар асосида дори махсулотлари тайёрлаш ва тиббий соҳада замонавий билимлар алмашишдан иборат бўлган янги лойиҳалар амалга оширилади. "ACN Group of Institutions" 13 дан ортқ олий ўқув юртини ўзида жамлаган ташкилот бўлиб, асосан, тиббий таълимга ихтисослашган. Бу ташкилотга қарашли 5 нуфузли клиника самарали фаолият



Жорий йил 29 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселлаш йиғилишида мамлакатимиз туризм салоҳиятини ривожлантиришда янги тизимларни жорий этиш, тиббиёт ва таълим туризмининг ривожлантириш истиқболлари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган вазифалар ижроси доирасида Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги туристик муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида бу йўлга қўйлаб ижодий сафарда бўлдик. Қисқа фурсатда 40 дан ортқ учрашув ва музокаралар ўтказилди, турли соҳаларда 13 дан ортқ ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Жумладан, тиббиёт ва таълим туризмининг ривожлантириш мақсадида Ҳиндистондаги нуфузли олий таълим муассасалари, клиника раҳбарлари билан манфаатли келишувларга эришдик.

Бугунги кунда институтимизда таълим олаётган 502 хорижлик талабанинг 298 нафари хинд ёшлари. Ҳиндистонлик ёшларнинг тиббиёт мақсадида муассасаларида таълим олишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шуларнинг ичига олиб, Деҳли ва Баларампур шаҳарларида институтнинг урта ваколатли офиси очилди. Бу институтимизда тахсил олиш истагида бўлган хиндистонлик ёшларни жалб қилишда муҳим қадам бўлмоқда. Эндиликда тиббиёт соҳасида билим олишга қизиққан ёшлар билан самарали ишлаш, биз ҳақимизда уларни қизиқтирган саволларга тўлиқ маълумотлар тақдим этиш имконияти яратилди. Ваколатли офисларимизда 50 га яқин хиндистонлик йигит-қизлар билан мулоқот ўтказиб, институтимиздаги таълим жараёни, талабаларга яратилган шароитлар ҳақида маълумот бердик. Уларнинг ақсарити келгуси ўқув йилида бизнинг олийгоҳда тахсил олиш мақсадида эканлигини билдирди.

Ҳиндистоннинг энг катта тармоғи бўлган "Аполло" клиникасининг Агра филиалидаги мавжуд шароит, ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти ва турлари, замонавий тиббий жиҳозлар билан таълимнинг. Бу ерда тиббиёт туризмининг ривожлантириш стратегияси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистондаги тиббий таълим ҳамда тиббиётдаги ислохотлар, Ҳиндистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, таълим туризми, мутохамамарлар тайёрлаш, тажриба алмашиш масалалари юзасидан фикрлашиб олдик.

Институтимизда халқ табобати йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, унда халқорол қўшма лойиҳалар олиб бориш, кўшма таълим дастурлари, Ўзбекистондаги доривор ўсимликларни Ҳиндистон халқ

юрיתיб келмоқда. Ҳамкорлик доирасида соҳа ривожини йўлғида мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, янги тадқиқотларни ҳаётга жалб этиш борасида устувор вазифалар белгилаб олинди.



Керала штатида жойлашган "Аюрверк" давлолаш марказида Ҳиндистоннинг ноънаванавий давлолаш усуллари ва ўшбу мақсадда қўлланиладиган доривор ўсимликлар, уларнинг турлари билан танишдик. Олий таълим соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадида Маҳараштра штатининг Пуна шаҳрида жойлашган Dr.D.Y.Patil University да бўлдик. Университетда касалиқлар диагностикаси ва юқори технологияли операциялар ёрдамида давлолаш усуллари, "Аюрверк" давлолаш маркази" иш фаолияти ҳамда талабаларнинг ўқув жараёнида иштирок этиди. Университет боти ишга туширилди. Талабалар ва ходимларга қўлайлиқ яратиш мақсадида 25 та замонавий моноблок компьютерларни жойлаштирилди.

2018 йилда РОССОМЕД ва Вириумед компаниялари билан ҳамкорликда 500 нафар талаба қамровига эга Симуляцион ўқув маркази ташкил этилди. Бу ерда жарроҳлик, эндожарроҳлик, терапия, педиатрия-неонатология, реанимация, гинекология, лор, офтальмология, олий ҳамширалик, терапевтик стоматология ва жарроҳлик стоматологиясини синга 12 турдаги мутохамамар тайёрланмоқда.

Иқтидорли талабаларнинг тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлари ҳақидаги мақолалари республика ва халқорол миқёсдаги илмий журналларда чоп этиб келинмоқда. Беш нафар талабани Президент ва нуфузли давлат стипендиантлари соҳиб бўлди. Шоҳабос Саломов "Йил талабаси-2022" республика кўрик-танлови финал босқичида "Ўз мутохамамарлиги бўйича йилнинг энг яхши талабаси" номинатсиясида ғолиб деб топилди. Талабаларнинг бўш вақтини маъмулни ташкил қилиш мақсадида 45 дан ортқ фан, 14 та спорт, 2 та маданий тўғаракка 3000 дан ортқ ёш қамраб олинган.



18 май – Халқаро музейлар куни



“Саҳродаги марварид”ни Кўриш учун келдим...

Қорақалпоғистонга, Орол худудига келган ҳеч бир сайёҳ “Саҳродаги Лувр” деб аталадиган И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейидан ўрин олган ноёб ва бетакрор коллекцияни томоша қилмасдан кетмайди. Жаҳон маданиятининг бу ноёб мероси юртимизда жойлашгани билан фахрланасан арзийди. Бу музейда археологик мерос объектларининг йирик коллекцияси, шунингдек, Марказий Осиёнинг халқ амалий ва замонавий санъат асарлари сақланади.

Бу даргоҳ 1966 йили Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, расом ва этнограф Игорь Савицкий ташаббуси билан очилган. Вафотидан сўнг (1984 йил) музейга унинг номи берилган. Мазкур санъат кошоноси 2011 йили “Туристлар назарига тушган музей” дипломига эга бўлиб, 2016 йили Ўзбекистоннинг етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган. Мамлакатимизнинг йирик санъат марказларидан бири бўлган музей — археология, қорақалпоқ халқ амалий санъати ва тасвирий санъати бўлимларидан иборат. Бугунги кунда музейда 100 мингга яқин экспонат бўлиб, улардан қарийб 2,5 мингга кўргазмага қўйилган. Экспонатлар хронологик жиҳатдан бронза давриддан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврнинг қамраб олган. 1920-1930 йилларда яратилган ўзбек ва рус расомларининг авангард йўналишидаги асарлари музей дурдоналари ҳисобланади.

Музейга И.Савицкий тўплаган қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари негизда асос солинди. У аслида Қорақалпоғистонга илк бор 1950 йилда Хоразм археологик-этнографик экспедициясига қўшилиш учун келган эди. Шундан сўнг Ўзбекистонда бутунлай қилиб кетди ва Ўрта Осиёга тааллуқли бўлган қорақалпоқ санъати ва ҳунармандчилиги асарлари, расомларнинг асарлари ҳамда ўша пайтларда шўрлар ҳуқумати томонидан таққиланган рус авангарди асарларини йиға бошлади. — Музей фондида 1920-1930 йилларда авангард расомлар яратган асарлар тўпланган. Қорақалпоқ халқ усталари томонидан яратилган заргарлик, ёғоч ўймақорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик ва бошқа асарлар амалий санъат бўлимида жамланган, — дейди музей бўлими мудир Ойгул Пирназарова. — Қадимий Хоразм санъати бўлими музейнинг археологик гуруҳлари томонидан қўлга кiritилган топилмалар ҳисобига янада бойимокда. Тасвирий санъат бўлимидан серкира қорақалпоқ расомлари И.Савицкий, К.Саипов, Ж.Қўттимуродов, Д.Тўраниёзов, Ўрта Осиё расомчилигининг кекса авлоди А.Волков, М.Қурзин, А.Николаев, Н.Қарахан, Ў.Тансиқбоев каби ижодкорлар асарлари ўрин олган. Шунингдек, музейга 1920-1930 йилларда фаол ижод этган рус расомлари А.Шевченко, Р.Фальк, В.Мухина, И.Грабарь асарлари билан бир қаторда, ижоди деярли ўрганилмаган Р.Мазель, К.Редько, А.Сафронов асарлари ҳам қўйилган.



Музейда сақланаётган амалий санъат намуналари, қатоган даври расомларнинг картиналари, тарихий обидалардан топилган неча асприк ашёлар фақат маҳаллий олимларнинг эмас, балки хорижий санъатшуносларнинг ҳам диққатига сазовор бўлмоқда. Улар қорақалпоқ халқининг бой тарихига эътибор қаратиб, бетакрор намуналарини юксак баҳолаб, ўз мамлакатларида намойиш этиш истагини билдирди ва бу йўналиш бўйича музейда бир қанча ишлар амалга оширилди. — дейди музей ходими Ақсунгул Айтмуратова. — Бўлимидаги урта раст чизил, битта графика санъати ва битта ҳайкалтарошлик жамғармаларида 60 мингга яқин кўргазма мавжуд. Шунингдек, музей қўллаб ҳорижий мамлакатларда кўргазма ташкил этиб келмоқда. Асосий мақсад мамлакатлараро маданий алоқаларни ва миллатлар дўстлигини мустаҳкамлаш билан бирга, халқимизнинг бебаҳо меросини ва авангард даври расомлари картиналарини бутун дунёга танитишдан иборат. Музей экспонатлари асосида Франция, АҚШ, Испания, Италия, Швейцария, Австралия, Германия, Нидерландия, Россия давлатларида кўргазмалар ўтказилиб, хорижлик санъатсеварлар тарафидан қизгин кутиб олинди, ҳар бир кўргазмага каталог китоблар нашр этилди.



Мустиқликнинг илк йилларида Испанияда “Хамар” халқаро алоқалар ва Ўзбекистон Расомлар уюшмасининг Ўзбекистон халқ амалий санъати, кейинчалик эса Ўзбекистон халқ дастурлари ва амалий санъати маркази тарафидан Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида “Халқ амалий санъати” номи туркум кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек, санъат ривожланишининг энг юксак чўққиси бўлган Италиянинг Неаполь шаҳрида “Маржон йўллари” номи кўргазмада ҳам ушбу музей экспонатлари санъатшунослар эътиборига тушди. Музей экспонатлари АҚШнинг Вашингтон, Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмаларда катнашди ва хорижлик томошабинларни халқимизнинг бебаҳо мероси билан кенг таништирди.

Музейимиз фондларида сақланаётган ноёб буюмлар, коллекцияларни кенг оммага кўрсатиш учун музейнинг 4- ва 5-биноларини қуриш режалаштирилган. Бу қўшимча биноларда графика галереяси, ғиламлар музейи, ёғоч ўймақорлиги ва ёғоч ҳайкалтарошлик

галереяси, қорақалпоқ қора ўйи зали ва бошқа заллар ташкил этилади, — дейди музей директори Тигран Мкртчичев. — Шунингдек, имконияти чекланган меҳмонлар учун инклюзив зал ва 350 ўринли кўп функцияли, тартибини ўзгаришири имкониятига эга зал, кинозал, реставрация лабораторияси, тош ҳайкаллардан ташкил топган киши боғ, сувенирлар дўкон ва бошқаларни ташкил этиш режалаштирилган. Албатта, халқимиз маънавий бойлиги сақланаётган музей довуғи бутун жаҳонга танилди. Нукус шахрининг энг кўркем худудига жойлашган музейнинг ички ва сиртки гўзаллиги, шунингдек, ундаги бутун жаҳондан олган ажойиб тарихий мерослар дунё сайёҳларини жалб қилишда муҳим омил бўлади.

Нукус шаҳрида жойлашган яна бир — Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёт тарихи давлат музейи эса халқимизнинг олис асрлардан буён сақланиб келаётган меросини жамлаган. Музей ушбу меросни кенг жамоатчиликка намойиш қиладиган маданий марказга айланди.

Музей кўргазмалари қорақалпоқ адабиёти, халқ ижодиёти намуналари, қўлэмалар, қорақалпоқ мумтоз адабиёти сиймолари, XX ва XXI аср қорақалпоқ адабиёти вакиллари ижодидан сўзлашди.

Ушбу музейнинг ўзгачалиги шундаки, унда Бердақ даврига тегишли халқ ҳунармандчилиги буюмлари, заргарлар томонидан ишланган безакли буюмлар, ўша пайтдаги кийимлардан намуналар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчи-шоирлари ҳаёт йўлига дахлдор маълумотлар билан бирга, қўлэмалар фонди ҳам бор. Бугунги кунда музейда 5886 дан ортиқ экспонатлар тўпланган, — дейди музей директори Шаригул Пайзуллаева. — Ўз даврида мадрасаларда ўқитилган дарсликлар, баъзи ноёб ҳужжатлар, ҳикматлар, қиссалар, Сулаймон Бокирғоний, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ижоди намуналари ва тошбосма китоблар, қўлэмалар музей экспозициясидан жой олган.

Музей биносининг шарқ архитектураси намунаси асосида қурилгани, деворлардаги қорақалпоқ халқининг миллийлик ифодаси, экспонатлар маҳаллини ва чет эл сайёҳларининг қизиқлини ошириши, шубҳасиз. Миллий музейнинг энг бебаҳо экспонатларидан бири Ўзбекистон Фанлар академияси

Қорақалпоғистон бўлими Н.Даўқараев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан 1976 йили олиб борилган этнографик экспедиция давомига топилган. Яъни Чимбой туманидаги Хан масжидида сақланиб келган мрамар тош-плита хайр-саховат, инсонийликнинг юксак кўриниши сифатида қадрланади. Зеро, умумий ҳажми 69х50 сантиметр, қалинлиги 10 сантиметр бўлган мрамар плита “Бағишлов тоши” деб номланиб, унда 48 сатр сўз қўшиқ намунасида форс тилида ёзилган.

2013 йили музей фондида Бердақнинг ўзи кийган чопон келтирилди, — дейди музей директори. — Музейга келган ҳар бир киши бобомиз кийган бу чопон, шу даврдаги кийимлар намунаси билан тўлиқ танишиши мумкин. Ҳар йили 27 ноябрда Бердақ кунини нишонлаш аъёнасини ушбу музейдан бошлаймиз. Шунингдек, Алишер Навоий, Зунфия, Ажиниёз кунлари, республикамизда ўтказиладиган байрамлар, халқимиз тарихида чуқур из қолдирган жиров-бахшиларнинг юбилейлари музейимизда кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда. Биз ота-боболаримиз яратган дурдоналарни келажак авлодга етказувчилармиз. Бердақ бобомиз сўзлари билан айтганда: “Сўзларим марвариддур айтилган ҳар бир”.

\*\*\*

— Жаноб, Қорақалпоғистонга бордингизми? Орол денгизини кўрдингизми? Савицкий музейини-чи?

— Тўғрисини айтсам, Қорақалпоғистонга нафақат Оролни, шу билан бирга, дунёга машҳур “Саҳродаги марварид” номи билан музейини қўриш учун ҳам атайлаб бордим. Сизга ҳам бу юртга боришни тавсия қилган бўлардим. Утган кунингиз ва сарфлаган маблағингизга сира ачинмайсиз.

Сайёҳлар суҳбатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, музей ҳақида минг марта гапиргандан кўра, бир марта кўрган афзал.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲЙ-МУЗЕЙЛАРИ ЭНДИ КЕЧАГИ ЭМАС

Ўтмишда ажодларимиз не-не урушлар, талафотларни бошидан кечирганини тарихий маълумотлар орқали яхши биламиз. Уларнинг эл-юрт озодлиги, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида кўрсатган матонатни, жасоратини ва ибратли ишлари бизга улкан сабоқ. Бу ёшларимизни иродали, матонатли, ўз юртини кўз қорачигидек асрашга қодир инсонлар қилиб тарбиялашда беқийё аҳамиятга эга.

Албатта, тарихий ҳикояларни эшитган ва ўқиган бошқача, уни ўз кўзи билан кўрган бошқача. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари қадимий шаҳарларимиз ҳақида китобда ўқиган киши билан уларни кўрган одамнинг таассуротларида фарқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз ва давлатимиз тарихини, илм-фани, адабиёт ва санъатини, турли соҳаларда эришган ютуқларини намойиш этишда музейларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Бугун аллақачон дунёнинг машҳур музейлари қаторидан ўрин олган ва ҳар йили юртимиз ва хориқлик сайёҳлар эътирофига сазовор бўлаётган Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темирийлар тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон давлат санъат музейи юртимиз тарихини, маданият ва санъатини оламга ёймоқда. Ўз навбатида уй-музейлари ҳам сайёҳлар сонини янада

кўпайтириш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишти. Хусусан, Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган уй-музейлари ўртасида Ўзро ахборот алмашиш, тадбирларда ҳамкорлик қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш йўлига қўйилган. Бу, ҳеч шубҳасиз, билмаганларимизни билишда, билганларимизни янги манбалар билан бойитишда, изланиш ва янгиликка интилишда қўл келяпти. Аммо бу уй-музейлари муаммолардан мутлақо холи экан, дегани эмас. Ишда муаммага дуч келиш табиий ҳол. Давлатимиз томонидан ички ва ташқи туризмни ҳар томонлама ривожлантириш борасида кенг қўллаш ижобий ишлар амалга оширилаётгани, тегишли қарор ва дастурлар қабул қилинаётгани бизни ҳам фаолиятимизга янги қарашга даъват этмоқда. Бу эса мавжуд муаммолар ечимини топишга ундайди.

Маълумки, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кўплаб мақола, эссе ва хотиралар ёзилган. Нодир буюмлари қаторида улар ҳам адабнинг уй музейида сақланиб, халқимиз баҳраманд бўлиб келяпти. Зеро, севимли ёзувчимиз ҳаёти ва ижодини китоблардан ўқиб-ўрганиш, бадий

ва илмий манбаларда ёзилганларни қўришни завқи бўлақча.

Бугун Абдулла Қаҳҳор уй-музейида беш мингдан зиёд экспонат мавжуд. Улар ёзувчининг умр йўли, қизгин ижодий фаолияти даври ҳақида бири-биридан қизиқарли ҳикоялар сўзлайди. Адиб уй-музейи ўқувчи ва талабалар,



илмий ходимлар, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар билан доимо гаважум. Шу ўринда музейга кириш ҳақида белул эканини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Хулоса ўрнида айтмоқчи эдикки, музей улуг адиб Абдулла Қаҳҳор ва таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорова ижоди билан боғлиқ қўшимча манбаларга муштоқ. Музейимизни мазмунан бойитишда хизмат қиладиган ашёлар, китоблар, суратлар, газета ва журналларни тақдим этган юртдош-

ларимиздан беҳад миннатдор бўламиз. Фурсатдан фойдаланиб музейлар ходимларини қасб байрами билан қўллаб, халқимиз ва хориқлик меҳмонларга бетакрор тарихимиз, маънавият, маданият, маърифат, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларимизни етказишдек эзгу ишларида бардавтомлик тилаймиз.

Санобар МАТЛУБОВА, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. 11117 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоқис қилинган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Улғабек Асроров Мусаҳҳих: Шероод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рузиев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй